



“Тасдиқлайман”
Вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари

Ш.Худайбердиев

2017 йил

Ўрмон фондига кирмайдиган дарахтларни кесишга рухсатнома олиш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек рухсатнома олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш интерактив хизмати регламенти

1. Интерактив хизмат тавсифи (паспорт)

1.1. Интерактив хизмат номи

Ўрмон фондига кирмайдиган дарахтларни кесишга рухсатнома олиш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек рухсатнома олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш.

1.2. Интерактив хизмат натижаси

Веб-сайтнинг ушбу интерактив хизмат бўлимига кирилганда ўрмон фондига кирмайдиган дарахтларни кесишга рухсатнома олиш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек рухсатнома олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш бўйича маълумотларни олиш ёки мурожаат қилиш имконияти яратилган.

1.3. Интерактив хизматни кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда хизмат кўрсатиш манзили

*Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида Интерактив хизматлар хаволаида мавжуд.
Веб-сайтдаги хаволаи
<http://eservices.samarkand.uz/urmon>*

1.4. Қонуний асоси

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги 290-сонли қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Жисмоний ва юридик шахслар.

1.6. Хизматдан фойдаланишга сўров юбориш муддати.

Кўрсатилаётган интерактив хизмат орқали интерактив тарзда ариза, таклиф ва мулоҳаза юбориш имконияти яратилган.

1.7. Бажарилиш муддати

145 иш куни. Хужжатлар топшириш исталган куни амалга оширилади. Хужжатларни кўриб чиқиш эса кейинги йилнинг 1 январидан то (ўртача) 25 майгача амалга оширилади.

2.Хизматдан фойдаланувчиларга маълумотларни тақдим этиш.

2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми

Ўрмон фондига кирмайдиган дарахтларни кесшига рухсатнома олиш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек рухсатнома олиш учун аризалар қабул қилишни таъкил этиш.

2.2. Сўровга асосан бериладиган ахборотлар

Интерактив хизматга кирилганда саҳифанинг пастги қисмида электрон кўринишида мурोजаат йўллаш орқали маълумот олиш имконияти яратилган, шунингдек Самарқанд вилояти ҳокимлигининг расмий веб-сайтига кириб маълумот олиш мумкин.

2.3. Хизмат кўрсатиш жойи

Самарқанд вилояти ҳокимлигининг расмий веб-сайти орқали маълумотларни олиш ва мурोजаат юбориш мумкин. Якуний натижа мурोजаатчининг истиқомат қиладиган манзилидаги "Ягона дарча" марказлари орқали тақдим этилади.

2.4. Талаб қилинадиган хужжат бланкалари (форма)

Талаб қилинадиган хужжатлар нусхалари Самарқанд вилояти ҳокимлиги расмий веб-сайтининг электрон давлат хизматлари бўлимидаги "Ўрмон фондига кирмайдиган дарахтларни кесшига рухсатнома" интерактив хизмати бўлимида келтирилган.

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Кун давомида.

3.2. Қутиш шартлари

Қутиш шартлари мавжуд эмас.

4. Хизмат кўрсатиш жараёни

4.1. Зарурий хужжатлар

Ўрмон фондига кирмайдиган дарахтларни кесшига рухсатнома олиш учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан тақдим этиладиган хужжатлар тўплами:

- Юридик шахснинг номи, унинг реквизитлари, СТИР, раҳбарнинг исми, фамилияси;
- Жисмоний шахс маълумотлари – фамилияси, исми, отасининг исми, СТИР, яшаш манзили (телефон рақами) ва паспортидан нусха;
- Ўсимлик тури, унинг гамланадиган қисмларини-барглари, илдизлари, мевалари, шарбати ва бошқаларни кўрсатган ҳолда:
 - гамлаш ҳудуди (вилоят, туман);
 - гамлаш ёки тўплаш ҳажми (кг, тонна, дона, кубометр);
 - гамлаш (тўплаш) муддатлари.

4.2. Хизмат учун тўлов.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари-эсимоний шахсларидан энг кам ойлик ши ҳақининг 0,1 кoeffициенти миқдорида, табиатдан фойдаланувчилар - юридик шахслардан 0,2 кoeffициенти миқдорида ва хорижий фуқаролардан – 10 АҚШ доллари миқдорида йигим ундирилади. + ҳар бир дона учун тўлов олинади.

4.3. Интерактив хизмат кўрсатиш босқичлари

Босқичлар мавжуд эмас.

4.4. Хизмат кўрсатиш учун ички идоровий жараёнлар

- 1) Жараён 1: Маълумотларни таёрлаш.
- 2) Жараён 2: Веб-сайтга жойлаштириш.

4.5. Рад этиш сабаблари

Тегишли ҳужжатлар тақдим этилмаган ва кўйилган талабларга жавоб бермаган ҳолларда, жумладан:

- Қайд этилган барча ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганда;
- Аризачи талаб этилган қонун-қондаларга рози бўлмаганда;
- Талаб этилган формалар нотўғри тўлдирилганда.

5. Сифатни таъминлаш


5.1. Сифат кўрсаткичлари

Расмий веб-сайтдаги анкета орқали баҳоланади.

5.2. Кўрсатилган хизматга оид шикоятлар


Хизматдан норози бўлган шахслар, расмий веб-сайтдаги виртуал муроғжат орқали ўз шикоятларини қолдиришлари мумкин.

“Келишилган”
Самарқанд вилояти
“Компьютерлаштириш маркази”
директори


Б.Игамқулов

“” _____ 2017 йил

Интерактив хизмат кўрсатиш схемаси



Ички идоравий жараёнлар схемаси

